O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 15-NOYABR ■ SHANBA ■ 133 (27.153) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Қаҳрамон сувратига чизгилар



«КАСБИМНИ ЭГАЛЛАНГЛАР, КАМ БЎЛМАЙСИЗ!..»

ДЕГАН ЭДИ ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИГА СУЛОЛА БОШИ — АБДУРАЗЗОҚ ОТА

Ўзбекистон металлургия комбинати. Мартен цехининг бошқарув пульти... Кенг ойна ортида электр печлардан олов пуркалади. Минг-минглаб даража иссиқликка тоб беролмай эриб кетаётган металл парчалари суюлиб, эшилиб қолипларга оқиб тушмоқда.

Пульт ёнида турган Абдураҳмон ака оқимдан кўз узмай, ўз ҳаёти ва меҳнат фаолияти босқичларини хотирлади...

...Падари бузруквори — Абдураззоқ ота Бекободда металлургия заводи қурилиши бошланганданоқ шу ерга келди. Корхона ишга тушгач, аввал юкчи, кейин металл эритиш печларига шихта босувчи бўлиб ишлади. Косаси оқариб, рўзғори бут бўлди. Фарзандларига ҳар гал «касбимни эгалланглар, кам бўлмайсиз» деб насиҳат қилди. Улар ҳам мўмин, қобил ва оқил экан, ота сўзини икки қилишмади. Дастлаб ота изини тўнғичи — Абдураҳмон босди. Бошида корхонанинг қурувчилар бригадасида, сўнгра мартен цехида тер тўкди.

Мана, ўттиз тўрт йил бўлибди ўшанга ҳам... Ака ортидан Мирзамурод, Анваржон, Тоҳиржон, Усмонжонлар ҳам келишди бу ерга. Бора-бора онаси — Муборак ая, сингиллари — Ҳабиба, Собира, турмуш ўртоғи — Ҳидоятхонларнинг бирлари эмал цехида, бирлари корхона тиббиёт бўлимида, бирлари мартен цехида ишлай бошлашди.

...Қарабсизки, бугунги Ўзбекистон металлургия комбинатида бир вақтлар шу ерда ишлаб, бутун мамлакатга донг таратган ва ўз даврининг қаҳрамонлари бўлишган металлурглар сулолалари: Ҳафиз Ганиев, Саид Нуриддинов, Асад Эргашев, Олим Мирзаев, Анвар Тошпўлатов сулолалари каби Абдураззоқовлар сулоласи ҳам шаклланди.

Кекса металлург Абдураззоқ отанинг «касбимни эгалланглар, кам бўлмайсиз» деган панду насиҳати рўё берди: сулола ҳалол меҳнати ва ҳалол луқмаси, инсоний фазилатлари билан элюртга танилди. Олқиш олди, обрў топди.

— Мен бу сулолага ҳавас қиламан, — дейди комбинатнинг узлуксиз пўлат қуйиш қурилмаси бошлиғи Баҳодир Юсупов. — Айниқса, Абдураҳмон акага... Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, комбинатимиз ўз эҳтиёжларимиз учун янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтди. Чунки, собиқ иттифоқ парчаланиб кетгач, алоқалар узилиб, жуда танг ҳолатга тушиб қолувдик. Халқ хўжалиги тармоқлари учун ўта зарур металл қувурларни энди ўзимизда ишлаб чиқариш керак эди. Дастлаб, жаҳон андозаларига ҳар тарафлама мос — замонавий золдир қуйиш ускунасини (прокат цехида) ўрнатишга киришдик. У бир йил ўтар-ўтмай маҳсулот бера бошлади. Кейин мавжуд печларни қайта созлаш цехини барпо этдик. Қисқа вақт ичида метиз ва пайванд хомашёлари тайёрлашни ҳам ўзлаштирдик. Сўнгра пўлатга печдан ташқарида ишлов берувчи ускуналарни ишга туширдик. Хуллас, катта қамровли саъй-ҳаракатларимиз билан кенг истеъмол маҳсулотлари тайёрлашга эришдик... Эришдиккина эмас, ҳозир уларни йил сайин кўпайтириб бораяпмиз.

...Ана шу ишларнинг ҳаммасида мен доим ҳавас қилиб яшайдиган Абдураҳмон ака муттасил фаол иштирок этди. Корхонада таниқли устоз, мураббий бўлиб танилди. Самарасини кўриб турибмиз: — Герой! — деди у нигоҳимни корхона ҳовлисига қўйилган «Ҳурмат тахта»сига қаратиб.

Комбинатнинг ўнлаб пешқадамлари қатори Абдураҳмон Абдураззоқовнинг ёркин чеҳраси акс этган сурат остига ёзиб қўйилган сўзларни ўқидим: **«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси пўлат эритиш цехининг оператори, Ўзбекистон Қаҳрамони...»**

— Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигида Президентимиз Фармони билан тақдирланганлар, — дея изоҳ берган-дек фахр билан қўшиб қўйди суҳбатдошим яна.

— Дарвоқе, Қаҳрамонингиз ҳаётининг ўзи бир очерк, ўзи бир китоб экан... — орзу қилдим мен.

— Ёзинг, ака, ёзинг, — даъват қилди у.

— Насиб этса... Ҳозирча ҳамир учидан патир... шу ихчамгина чизгилар билан кифоялансам...

Замон АЛИ

❖❖❖

Суратда: Ўзбекистон Қаҳрамони Абдураҳмон Абдураззоқов ва комбинатнинг узлуксиз пўлат қуйиш қурилмаси бошлиғи Баҳодир Юсупов.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат

ЎзХДП хабари

ИШЧИ КОМИССИЯЛАРИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг 13 ноябрь куни Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов раислигида бўлиб ўтган мажлисида партия ички ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДПнинг Низомига мувофиқ, келгуси йили партиянинг барча бўғинларида ҳисобот-сайловлар ҳамда унинг навбатдаги тўртинчи қурултойи ўтказилади. Уларни юксак савияда ўтказиш учун ҳар томонлама тайёргарлик кўриш талаб қилинади. Маълумки, 2004 йил давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар йили ҳамдир. ХДПнинг барча тузилмаларининг ушбу сиёсий жараёнда муносиб иштирокини таъминлаш учун пухта ҳозирлик кўришлари зарурлиги ҳам табиийдир. МК Сиёсий ижроия қўмитаси шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ХДПнинг IV қурултойини чақириш ҳамда партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов мавсумини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни тайёрлаш бўйича Ташкилий-услубий ва Ахборий-таҳлилий комиссияларини тузди, уларнинг таркибини тасдиқлади.

Сиёсий ижроқўмнинг шу тўғридаги қарори билан мазкур гуруҳларнинг раҳбарлари — МК бош маслаҳатчилари Собиржон Усмонов ва Михаил Ельшовга, партиянинг навбатдаги қурултойини чақиришга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалаларда маҳаллий партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатлар билан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари мақоми берилиб, улар МК Котибияти таркибига киритилдилар.

Сиёсий ижроия қўмита янги тузилган комиссияларнинг вазифаларини ҳамда улар фаолиятининг устувор йўналишларини белгилади.

Сиёсий ижроқўм мажлисида, шунингдек, 2004 йилда Ўзбекистон ХДП ташкилотларида ўтказиладиган асосий умумпартиявий тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилинди ва қатор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ТАНТАНАСИ

Ўзбекистон ва Афғонистон чегара ҳудудида «Айритом» божхона мажмуининг тантанали очилиш маросими қўшни Афғонистон оммавий ахборот воситаларида батафсил ёритилди

Ушбу мавзуга бағишланган материалларда мажмуанинг фаолият кўрсата бошлагани мамлакатнинг расмий, сиёсий ва ишбилармон доиралари томонидан катта мамнуният билан қарши олингани ёзилади.

Кобулда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик ваколатхоналар вакилларининг таъкидлашича, «Айритом» божхона мажмуининг очилиши Афғонистонга Марказий Осий давлатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга янги имкониятлар яратади.

БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Л.Иброҳимий мажмуанинг очилишини Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2002 йилнинг декабрида Кобулда имзоланган «Афғонистон ва унга чегарадош давлатлар ўртасида яхши қўшничилик» тўғрисидаги декларация тамойилларига тўла мос келишини эътироф этди.

«Анис», «Фардо» ва «Кобул таймс» каби газеталарнинг ёзишича, ушбу воқеа келгусида Ҳайратон — Мозори Шариф йўналиши бўйлаб темир йўл шахобчасини, Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон учун жаҳон бозорига чиқишга имкон берувчи Термиз —Ҳайратон — Мозори Шариф — Шибирғон — Маймана — Ҳирот — Дилором — Чоҳбаҳор транзит йўлагини барпо этишдек хайрли ишда Ўзбекистон ҳукуматининг асосий ташаббускор сифатида иштирок этишга тайёрлигини кўрсатади.

«Жаҳон» АА

ТУМАНЛАР ХИРМОНИ

БУХОРО. Фиждувонликлар давлатга пахта сотиш шартномавий режасини уддалашди. Қабул масканларига 37 минг тонна сифатли пахта топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 34 центнердан ошди. Тармоқда кўрилиши кутилаётган 8 миллиард сўм даромад қишлоқ аҳли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Туман пахтакорлари ялпи хирмонни 40 минг тоннага етказиш йўлида терим маромини пасайтирганлари йўқ.

❖ ❖ ❖

АНДИЖОН. Хўжаобод тумани деҳқонлари давлат омборларига 8372 тоннадан зиёд пахта топшириб, йиллик режани пешқадамлар қаторида бажардилар. Гектарлар ҳосилдорлиги 29 центнерга тўғри келди.

Туманнинг А.Набиев, А.Қаҳҳор ва С.Раҳимов номидаги ширкат хўжаликлари туман хирмонига муносиб ҳисса қўшишди.

Ўз мухбирларимиз

«Пахта — 2003»

САМАРҚАНДЧА ҒАЙРАТ ВА УСЛУБ

ВИЛОЯТ АҲЛИНИ МАВСУМ ДАВОМИДА ЧИНАКАМ ЗАФАР САРИ УНДАБ ТУРДИ. ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ШАРТНОМАВИЙ РЕЖА ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛДИ



Кейинги йилларда самарқандликлар барча соҳаларда бўлгани каби пахтачиликда ҳам ҳалол меҳнатлари эвазига юқори натижаларга эришиб келмоқда. Пахтакорлар жорий йилда 107620 га. ерда деҳқончилик қилиб, 235 минг тонналик оқ олтин хирмонини бунёд этди. Бундан олинадиган даромад 45 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Ўтган 2002 йилда даромад манбаининг ўсиши 4,9 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда 11 фоиз бўлди. **«...Иқлим шароити ва тупроқ унумдорлиги Андижон ёки Сурхондарёникидан қолишмайдиган Самарқанд заминида нима учун юқори натижага эришиб бўлмас экан»**, деган фикр йил бошиданоқ нафақат деҳқонлар, балки вилоят фаолларига ҳам ором бермади. Негаки, вилоятда билимдон мутахассислар, илғор тажриба мактаби азал-азалдан бор-ку.

Ана шундай бедорлик билан фидокорона меҳнат қилаётган миришкорлар ўтган йили ҳам, бу йил ҳам деҳқончиликнинг барча тармоқларида яхши натижаларга эришди.

Дастлаб экиндан бўшаган майдонлар оби-тобида шудгорланди. Йиллар давомида химикатлар билан озиқлантираверилиб, ҳолдан тойган майдонлар табиий ўғит — гўнг билан малҳамлантирилди, дам берилди. Ерга вилоят иқлимига мос, илгари тажрибада синалган «Окдарё-6», «Омад» каби ғўза навлари уруғи қадалди.

Баҳорнинг инжиқ келиши вилоят деҳқонлари ташвишини орттиргандан-орттирди. Минглаб гектар майдонларга чигит қайта экилди. Бунда деҳқоннинг ҳақиқий қаноти — техника муҳим роль ўйнади. Ана шундай масъулиятли дамларда вилоятдаги мавжуд машина-трактор парклари ишчи-ходимлари кунларни тунга улаб тинимсиз меҳнат қилишди. Ғўзани гўнг шарбати билан суғориш анъанаси кечиккан деҳқончиликни маромига олиб чиқди. Ҳар туп ғўзадаги чаноқлар сони ҳар қачонгидан кўпроқ бўлди.

2-бет

Давра суҳбати

«LOGOS» — ННТ ВА ТАДБИРКОРЛАР КЎМАКДОШИ

Маълумки, бугунги кунда жамоат бирлашмалари замонавий жамият учинчи секторининг муҳим институтлари бўлиб қолмоқда. Улар турли мамлакатларда турлича (ноҳукумат, нотижорат, нодавлат ташкилотлар ва ҳоказо) номланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, бундай бирлашмалар нодавлат нотижорат ташкилотлар деб юритилади. Уларнинг вазифалари ва мақсадлари асосан фуқаролик жамияти тараққиёти билан боғлиқ бўлса-да, фаолият шароити мамлакатлардаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитга кўра бир-бирларидан фарқ қилади. Бироқ, барча нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)ларнинг ҳаммасига тегишли бўлган умуммуаммолардан бири — уларнинг молиявий жиҳатдан таъминотидир.

Хўш, Ўзбекистонда фаолият юритаётган кўпчилик ННТлар бу каби муаммоларни қандай ҳал этмоқдалар?

Республика Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган давра суҳбати айни шу мавзуга бағишланди. ННТларнинг молиявий барқарорликка эришиш имкониятларини ўрганиб чиққан «Logos» ННТ жамоаси уюштирган мазкур суҳбатда олимлар, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, халқаро жамғармалар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар.

«Logos» ННТ 2002-2003 йилларда Евроосиё жамғармаси ёрдамида «Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг молиявий мустақиллигини оширишга кўмаклашиш тўғрисида»ги лойиҳани тайёрлади. Уни тайёрлаш жараёнлари тадбирларида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти нотижорат ташкилотларидан 30 нафардан ортиқ вакил фаол иштирок этди.

Суҳбат сўнгида мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари инобатга олинган мазкур лойиҳа асосида чоп этилган услубий қўлланманинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Назокат ҚОСИМОВА

XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

ЭЛЧИХОНА ХОДИМЛАРИ НУКУСДА

Италиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анжели Пержиани бошчилигидаги Германия, Буюк Британия, Нидерландия ва Франция элчихоналарининг ходимларидан иборат делегация Нукусда бўлди. Меҳмонлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қабулида бўлдилар. Жўқорғи Кенгес раиси Мусо Ернеёзов меҳмонларни Қорақалпоғистоннинг ҳудудий тузилиши, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, экологик муҳитни яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар билан таништирди. Ҳозир Қорақалпоғистонда Германия ва Италия мамлакатлари билан ҳамкорликда очилган қўшма корхоналар ишлаяпти. Нукус шаҳри аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ва канализация тармоғини яхшилаш бўйича Жаҳон банки ёрдамида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Германия ва АҚШнинг «Клаас», «Кейс» ҳамда «Ньюхолланд» комбайнлари ёрдамида қишлоқ хўжалиги экинлари қисқа муддатларда ўриб янчиб олинмоқда.

Қабул маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Т.Танирбергенов иштирок этди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ

АКМАЛНИНГ ПЛАКАТИ НЬЮ-ЙОРККА ЮБОРИЛАДИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат Усмонова). Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси — ЮНФПА билан ҳамкорликда ташкил этган «Ўсмирлар репродуктив саломатлиги» мавзуидаги плакатлар танлови якунланди.

Айтиш жоизки, «Ўсмирлар репродуктив саломатлигини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш» лойиҳаси шу йилнинг август ойидан Самарқанд ва Хоразм вилоятларида амалга оширила бошланди. Лойиҳа ўсмирларнинг, айниқса ўсмир қизларнинг репродуктив ҳуқуқлари ва саломатлигини ҳимоялаш, бу борада уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ахборот олиш имконини янада кенгайтиришни кўзда тутади.

Лойиҳа доирасида ташкил этилган плакатлар танлови юртимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридаги ёшлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Танлов учун келиб тушган кўплаб ижодий ишлар бунинг ёркин исботидир.

Танловда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 302-мактаб ўқувчиси Акмал Раҳметов чизган плакат биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиб ва совриндорларнинг ижодий ишлари ЮНФПАнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида очилажак Жаҳон кўргазмасига юборилади.

МАКТАБГА МАДАД

Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли бир қатор мактаблар ўтган йили Япониянинг грантини қўлга киритган эди. Шулар орасида Денов туманидаги 78-ўрта мактаб ҳам бор. Улар 58 минг 373 АҚШ доллари миқдоридаги ана шундай грант соҳиби бўлганди. Куни кеча Кунчиқар мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари ана шу мактабга ташриф буюришиб, зиё масканидаги таълим-тарбия, ёшлар учун яратилган қулайлик ва шарт-шароитлар билан танишдилар.

— Мактабингиз ўқувчилари менда яхши таассурот қолдирди, — дейди гуруҳ раҳбари Хояси Томоюки жаноблари. — Уларнинг билимдонлиги, илмга чанқоқлиги қувонарли ҳол. Ўйлайманки, ҳамкорлигимиз ришталари янада мустаҳкамланиб бораверади.

Учрашувда сўз олган туман ҳокими Абдулҳаким Эшмуратов ёшлар таълим-тарбиясидаги беғараз ёрдами учун меҳмонларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ОҚСОҚОЛ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Шу кунларда юртимизда ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтмоқда. Сирғали туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда маҳалла оқсоқоли, ЎзХДП аъзоси Худойберган Абдуманноповнинг ҳисоботи тингланди.

Икки ярим йил мобайнида маҳаллада талайгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳашар йўли билан ҳомийлар кўмагида 500 кишилик гузар, кексалар дам олиш маскани, маҳалла боғи, стадион қурилиб фойдаланишга топширилди. Фуқароларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданияти, онгини шакллантириш, Олий Мажлис қабул қилган қонунларни ўрганиш, тарғиб қилиш мақсадида маҳалладаги мактаб, коллежлар билан ҳамкорликда, ЎзХДП туман кенгаши, ИИБ, прокуратура, мудофаа ишлари бўлими ходимлари иштирокида бир қанча тадбирлар ўтказилди.

Маҳалла ҳисобот-сайлов йиғилишида Худойберган Абдуманноповнинг ташкилотчи, аҳоли ўртасида обрў-эътибор ва ҳурматга эгалиги, ташаббускорлиги эътироф этилиб, қайтадан «Янги ҳаёт» маҳалласи оқсоқоллигига сайланди.

Ориф ЖУМАНОВ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Илмий очерк

КАШФИЁТНИНГ МУРАККАБ ЙЎЛИ

Иккинчи мақола

III. ДЕФОЛИАЦИЯ: ХЛОРАД-МАГНИЙ УСТУНМИ Ё «ПРЕП»? ёхуд Кампозон-ми? Биз учун қай бири афзал?

Пахтанинг очилишини тезлаштириш, барглари вақтида тўкилишига эришиш ва теримга уюшқоқлик билан киришиб, мавсум муваффақиятли якунланишини таъминлаш — Ўзбекистон об-ҳавоси шароитида катта аҳамиятга эга.

Биласиз, куз келиши биланоқ, кечалари ҳаво ҳарорати кундузгига нисбатан анча пасая бошлайди. Бу табиийки, кўсаклар очилишини сусайтиради. Чунки, ўсимлик илмий тил билан айтганда, ўз ривожи давомида этилен гази ажратади. Айниқса, ҳарорат юқори пайтлари кўплаб этилен чиқаради. Ҳаво салқинлашган сайин этилен ажралиши пасаяди. Мана шундай пайтда пахтакор дефолиацияга эҳтиёж сезади ва ҳозиргача асосий дефолиант бўлиб турган кимёвий дори — хлорад-магний тузини сепишади. У 24 соат ичида ғўза барглари қовжиратиб, унинг тепа қисмидаги кўсакларни «куритади» ва сунъий йўл билан очилишига мажбурлайди. Лекин, чаноқ очилгани билан унинг ост қисмидаги елимсимон модда ҳали тўла табиий пишиб етилмаган бўлади. Натижада, терим пайтида чаноқ тагида момиқнинг қолиб кетиши, у тўла тортиб олинмаслиги ва теримчиларнинг бармоқлари қонаб, тирноқлари анча шикаст ейиши каби ҳоллар юз беради.

Шунинг учун ҳозир ривожланган мамлакатларда ўсимлик баргларини тўктиришнинг табиийликка бир мунча яқин воситалари бўлган самарали кимёвий дорилар ишлаб чиқарилишига эришилмоқда. Улардан бири — таркибида этифан моддаси бўлган «Преп» (Франция) препаратидир.

— Бизнинг шароитдаги синовда, — деб давом этади Убай ака, — «Преп» қўлланилган майдонларда кўсаклар 8-10 кун ичидаёқ очилди. Хлорад-магнийдан устунлиги кўп. Бироқ, бироз нотўғри ёки кўпроқ сепилса катта-катта кўсакларни ҳам ерга тўкиб юборади. Ўткир, шиддатли дори. Ҳатто, уни сепишга жалб этилган тракторлар бошдан-оёқ вақтида яхшилаб ювилмаса металлар тезда занглай бошлайди.

Шу боис, биз «Кампозон» препаратига кўпроқ аҳамият бердик. У билан дориланган пахтазорларда кўсакларнинг табиий очилиши (сепилгандан сўнг 8-10 кун ичида 90-100 фоиз) тезлашди. Терим пайти чаноқ остида момиқ қолиб кетмади. Теримчилар ҳам қийналишмади. Ғўза баргларининг дастлаб 70-75 фоизи тўкилиб, қолганлари тўкилишга «маҳкум» бўлиб қолди. Биринчи теримдан сўнг иккинчи назорат терими ўтказилиши биланоқ дала шудгорга тайёр бўлди. Бунинг устига унинг технологияси ҳам у қадар мукаммал бўлмай, препаратни ишлатиш жараёнини оддий ишчи ёки деҳқон ҳам илгаридан кўникиб юрганидек осонгина бажариб кетаверди.

Мазкур технологияни дастлаб Наманганда — Уйчи туманидаги «Андижон», Чуст туманидаги «Машъал», Наманган туманидаги Охунбобоев номли хўжаликларнинг катта-катта майдонларида, кейинчалик Фарғонада Риштон, Андижонда Балиқчи туманлари хўжаликларида синовдан ўтказиб, жуда яхши кўрсаткичларга эришдик. Эсимда, ўшанда Наманган вилоят ҳокимлиги: «Кампозон билан ишлаб кўрамиз, уни бартер йўли билан олиб келиш учун 250 тонна тола ажратамиз» — деб саъй-ҳаракат қилишди-ю, лекин бартерга рухсат бўлмади...

КУРАШ ЯНА БОШЛАНДИ: Ғўза дефолиацияси муаммоларига бағишланган Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти билан АҚШ, Германия, Франция, Россия олимлари ҳамкорлигидаги симпозиум Наманганда бўлиб ўтди.

Пахтачилигимизда вужудга келаётган янги технология унда маъқулланди. Шундан сўнг институт илмий кенгаши мазкур технология муҳокамасини республика Қишлоқ хўжалик Фанлар академияси ҳайъатига қўйди. 102 нафар олим, мутахассис ва мутасаддилар иштирок этган бу коллегия ҳам ғўза дефолиацияси янги технологиясини ижобий баҳолади. Кейинчалик унинг тафсилотлари Республика Фан ва техника давлат қўмитасида тингланди, маъқул, манзур топилди.



Бу орада институтда раҳбарият ўзгарди. Янги раҳбар ишни Убай Мадраимовдан бошлади.

— Ёшингиз пенсияга яқинлашиб қолибди, оқсоқол, жойни...

— Қанақаси бўлди? Ҳали ишлагим бор. Райрат-шижоатим етарли. Республика илмий марказига докладим қўйилган. Бошлаган ишларимни охирига етказай... Қолаверса, пенсиямга ҳали вақт бор... — сўранди у.

Яхшиям, институт илмий маркази ҳайъати бор экан. Ҳайъат Мадраимовнинг илмий-амалий фаолиятини ҳимоя қилиб, унинг яна 5-6 йил ишда қолишини институт раҳбариятидан илтимос қилди.

...Ўша кезлари Исроилдан бир гуруҳ пахтачилик мутахассислари келишиб, Чинозда тажриба ўтказаётган эди. Мадраимовнинг даласи уларнинг даласига ёнма-ён тушиб қолди. Кузга бориб, исроилликлар гектар бошига 23 центнердан ҳосил олишди. Убай аканинг хирмони эса 2 баробар кўп бўлди.

— Сиригизни айтинг, қандай қилиб сизда кўсаклар тез очилди? — сўради исроиллик агроном.

— Ҳозирча айтмай турай... Ахир Сизлар бизга тажриба ўргатиш учун келгансизлар-ку? — деди Убай ака кулиб.

— Майли, айтманг, барибир одамларингиздан билиб оламан, — деди меҳмон ҳам.

...2001 йил ўртачирчиқлик фермерлардан бири Убай Мадраимовни излаб, институтга келди. Олим унинг илтимоси билан Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида ўз технологиясини қўллашга рози бўлди. Пахта айни пишган, очилган паллада туман ҳокими пайкалларни айланиб кўрди-да, Мадраимовга юзланди:

— Бугун 8 октябрь, ака. Туманимизда ҳозир уч минг гектарча ердаги уруғлик пахта экилган далаларда кўсаклар очилмасдан кўм-кўк турибди. Ҳаммасига хлорад-магний сепганмиз. Муаммо нимада? Сизнинг далангизда эса ҳамма кўсаклар қийғос очилган. Раисга ҳам, бригадирларга ҳам пайкалларингизни тезда териб олиб, шудгорни бошлашга рухсат бердим... Илтимос, технологиянгиз сирини менга ҳеч яширмай айтинг, токи, обдон тушуниб олай, мутахассисларимни йиғиб семинар ўтказаман...

Ҳоким сўзида турди. Семинар ўтди. Эришилган натижалар, кўрсаткичлар Убай Мадраимовни яна тармоқнинг навбатдаги ўзига хос кўрик-танловидан ҳам муваффақият билан ўтиб олишига имкон берди.

НАВБАТДАГИ «ИСТЕЪФО» ТАЛАБИ. «Сиз 2003 йилдан бошлаб ишдан бўшадингиз...» — деди Мадраимовни ҳузурига чорлаган институт (ЎзПИТИ)нинг янги директори И.Аҳмедов.

— Ие, яратилган технология тақдири нима бўлади?..

— Технологиянгиз барибир амалга ошмайди...

Мадраимовнинг кўзларига жиққа ёш келди. «Шунча йиллар, шунча саъй-ҳаракат ва шунча эришилган муваффақиятларга «мукофот» шуми?» — деган ўкинч тўла дардлари чигилини ёйиш учун шогирди Шуҳрат Абдуалимов олдига кирди. У бу кезларда институт илмий котиби эди. Котиб котиб-да, директор «майли»га юришга мажбур эди...

— 2003 йилдан бошлаб, ҳар ким ўз ғоясини ёзиб топшириши керак, домла, — деди у расмий оҳангда. — Кимнинг ғояси конкурсдан ўтса ўша ғояга пул ажратилади. Йўқса, штатлар қисқараяпти: сок-ра-ще-ния... — атай ҳижжалаб айтди у.

— Дуруст, — жонланди устоз аччиғи чиққанини билдирмасликка олиб. — Унда менинг ишларимни биласиз. Далама-дала кўришсин, технологик жараёнларнинг тўла ва аниқ исботи «манаман» деб турибди. Кўрсаткичлар аъло. Ҳамма поғоналардан муваффақиятли ўтган... Қарор чиққан... Ўша — таркибида этифан моддаси бўлган «Кампозон экстра-М» препаратини дефолиациянинг энг яхши воситаси сифатида конкурсга қўяйлик бўлмаса...

— Йўқ, домла, ҳозир ўз қўл остингизда ишлаётган ходимингиз Шуҳрат Тешаев «Пахтада дефолиацияни янги перспектив навларда ўрганиш» мавзусида «свежий» иш олиб келган...

— У мавзу ўтмайди, ука, — исботлашга киришди домла. — Чунки, пахта сортлари 20-25 йилдан буён сурункали ўзгариб келаяпти. Аммо ғўза баргини тўктирувчи ягона дефолиант — хлорад-магний нормаси эса ўзгармаяпти... Яна ўша дефолиант, яна ўша норма энди янги навларда ҳам тажриба қилинадими..?

Турган гапки, — давом этди домла яна. — навлар бундан кейин ўзгариб бораверади... Лекин, тепада ҳам, қуйида ҳам кимлардир гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳимоя қилаётган хлорад-магний агар аҳвол шу тарзда кетаверса, бундан кейин ҳам вазият ўша-ўшалигича қолаверади... Билаяпманки, айни шу хлорад-магний бўйича темани ўтказишга «рухсат» берилган. Демак, бу иш учун ажратилган 6 миллион сўм маблағ яна алмисокдан қолган технологияга беҳуда сарф бўлиб, сўнгги уч йилда қилинган ҳамма ишлар, амалга оширилган тадбирлар, бажарилган топшириқлар, қўйинг-чи, барча саъй-ҳаракат ҳавога «учар»кан-да? Ўнлаб илмий ходимларнинг умри яна бекорга ўтаркан-да?..

Убай аканинг фикрича, шогирди ким ҳақ, ким ноҳақлигини яхши билади-ю, аммо... имкони, ваколати йўқ эди. Сабаби, бир вақтлар «тоши» оғирроқ бўлган бир олим лабораториясида яратилган препарат билан устозининг препарати ўн-ўн беш йилки, рақобатлашиб келади. Аксига олиб, ўша олимнинг тоши ҳозир ҳам «оғир»роқ...

Бўлмаса, шогирди яхшигина тушуниб турибди: дефолиация даврида хлорад-магний ўрнига «Кампозон экстра-М» 2-3 л/га сепилса — 8 кун ичидаёқ ғўза барги 70 фоизгача тўкилиб (қолганлари ҳам тўкилиш арафасига келиб), кўсаклар 95-100 фоиз очилади. Сабаби шундаки, Шарқда ва Жанубда пахта етиштирувчи мамлакатлар орасида Ўзбекистон Шимолга бирмунча яқинроқ жойлашган ҳудуд. Айниқса, сентябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб, минтақада кечалари ҳарорат (кундуз кунига нисбатан) сезиларли пастлашади. Кўсаклар эса асосан ҳаво исиган пайт — кундуз кунлари очила бошлайди. Кечга яқин бориб, ҳарорат пасая бошлагач очилишдан тўхтайди. Қолаверса, (юқорида ҳам эслатиб ўтилганидек) ниҳол ҳали мурғаклигидаёқ ўзидан ажратиб чиқарадиган этилен гази миқдори кузда — ҳарорат туша бошлаганда пасайиб кетади. Хлорад-магний дефолианти сепилиб, ўсимлик барглари қовжираши билан этилен гази ажралиши мутлақ тўхтайди. «Кампозон экстра-М» дефолианти сепилганда эса кечаси салқин бўлишига қарамай бу жараён деярли сусаймайди, кўсаклар табиий ҳолда очилаверади...

МУЛОҲАЗА:

Ушбу битикларда тилга олинган: — **«Мивал» самараси, чеканкадаги янгилик** ва **дефолиация муаммоси** сингари ҳар учала технология синов натижалари (лойиҳалари)нинг ўзиёқ ЎзПИТИга неча ўн минглаб АҚШ доллари миқдорида валюта келтирганди-ку! Қолаверса, савол: Қани у долларлар? Улар қайси йўналишга йўналтирилди-ю, қандай самара берди? Аниқроғи, аслида кимга тегишли эди, у маблағ?!

ХОТИМА ЎРНИДА. Убай Мадраимовнинг кундалик дафтаридан кўчирма: «...Бугун тонг саҳарлаб ишга отланаётганимни кўрган хотиним: «...кеча кеч келдингиз, адаси, ўғлингизнинг бир гапи бор экан», — деб қолди. Ўғлим чиқиб: «ада, қўйинг шу курашларни, энди дам олинг. Онам дарддан зўрға оёққа турди. Ўзингиз ҳам «ранг кўр, ҳол сўр» дегулик ҳолга келдингиз... Ўтар бир кунимиз...» — деб қолди.

Уларнинг гапиям тўғри... Ичлари ачишяпти. Аммо бошлаган ва охирига етай деб қолган, бутун умр ортидан елиб-югурган ишларим мен тирик бўлиб чала қолса... Нима деган одам бўламан.

— Ўғлим, онаси, — дедим ётиғи билан уларга, — гапларинг тўғри. Лекин, мингига чидаган бирига ҳам чидайлик, оз қолди. Курашмасанг ҳаловат қайда...»

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳаммага беш қўлдек маълум, ҳар бир янгилик оғир машаққатли меҳнат ва изланишлар туфайли яратилади. Фидойи мутахассису олимлар йиллаб. туну кунни ҳаловатсиз ўтказишади. Афсуски, баъзан янгилик яратишдан кўра уни ҳаётга татбиқ этиш қийинроқ кечади. Бунинг сабаблари кўп албатта: кимдир тушунмайди, кимдир сени ёқтирмайди, кимгадир рақобатчисан ёки илмий ишинг кимнингдир манфаатига зидроқ бўлади ва ҳоказо. Илмий ишинг ёруғлик кўриши учун гоҳида икки-уч кишини муаллифликка олишга ҳам рози бўласан.

Баъзан бу ҳангомаларнинг тескариси ҳам бўлади. Яъни, яратилган илмий иш яроқсиз бўлса-да, унинг муаллифи даҳоликка даъво қилиб, турли идораларга югургани-югурган, ёзгани-ёзган. Унга тўғри гапни тушунтириш ўлимдан қийин. Ҳаммани ўзига душман деб билади.

Биз ушбу мақола қаҳрамони билан қарийб бир йил мобайнида суҳбатлашдик, унинг куюниб айтган кўп ҳикояларини тингладик, ҳужжатларни ўргандик. Барибир мақолани эълон қилишга иккиланиб, айрим мутахассислар билан фикрлашдик. Тарафдорлар кўп, қаршилар ҳам оз эмас. Хуллас, Убай Мадраимовнинг гаплари ҳаққа ўхшаб туюлди. Шу боис, мақола билан бирга масъул идора ва институтлар мутахассислари фикрини ҳам эълон қилиш ҳақида ўйладик. Унда ушбу очерк роман ҳолига бормаса-да, қисса ҳолига келиши аниқ эди. Шу боис, очеркда кўтарилган масалалар юзасидан мутахассислар ва олимлар фикр-мулоҳазаларини газетамизнинг кейинги сонларида эълон қилиб боришга қарор қилдик. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деб бекорга айтилмаган-ку.

Иқтисод

СУҒУРТА БОЗОРИДА ЯНГИ КОМПАНИЯ

Республика Биржа марказида «UNIPOLIS» суғурта компаниясининг тақдимоти бўлиб ўтди. Маълумки, ҳукуматнинг доимий эътибори туфайли республикамизда суғурта хизматлари бозори ҳам ривожланиб боряпти. Кейинги йилларда қабул қилинган қатор қонунчилик ҳужжатлари мамлакатимизда суғурта ташкилотларининг ва суғурталаш принципининг бозор инфратузилмасининг энг муҳим жиҳатларидан бири сифатидаги нуфузини оширди.

Янги компания умумий суғурталаш соҳасидаги масъулиятни суғурталашга ихтисослашган, унинг Низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг. «UNIPOLIS» таъсисчилари орасида «Ўзулгуржисавдо» АК, «Универсал банк» ХОАТБ, «Borland capital» компанияси ва бошқалар бор. «UNIPOLIS» бошқа суғурта компаниялардан ҳар бир мижозга алоҳида ёндашуви, менежерларнинг юксак касб маҳорати билан ажралиб туради. «Биржасавдосуғурта» компанияси негизида тузилган «UNIPOLIS» муваффақиятлари кўп жиҳатдан ходимларнинг амалий фаоллиги, суғурта маҳсулотларини бозорга илгари суришдаги ноандозавий ёндашувларга боғлиқ. Унинг ўтган йили «EMRC — Евромаркет 2002» нуфузли халқаро мукофотига сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Ҳозир компаниянинг филиаллари Самарқанд, Наманган ва Учқудуқда ишламоқда. Қўқон шаҳрида тўртинчи минтақавий филиални очиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари хорижда ҳам ўз бўлинмасини очиш режалари мавжуд.

Алишер РЎЗИЕВ

Санъат

ШАШМАҚОМ — ЎРТА ОСИЁ МУМТОЗ МУСИҚАСИ

ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг Париждаги бош қароргоҳида «Инсоният оғзаки ва номоддий мероси намуналари» танлови рўйхатига киритилган ғолиблар эълон қилинди.

Жаҳоннинг етмиш мамлакати мазкур танловда қатнашиш истагини билдирганди. Халқаро ҳакамлар ҳайъати улар орасидан 28 номзодни танлаб олди, холос. Бош қароргоҳда ўтказилган маросимида Бельгия, Туркия, Озарбайжон, Бразилия, Куба, Хитой, Ҳиндистон оғзаки ва номоддий мерослари билан бир қаторда мамлакатимиз томонидан тақдим этилган Шашмақом Ўрта Осиё мумтоз мусиқаси деб эълон қилинди. Эндиликда Шашмақом Ўрта Осиё мумтоз мусиқаси сифатида ЮНЕСКОнинг махсус рўйхатига киритилди. У нуфузли халқаро ташкилот муҳофазасига олинди.

Мазкур тадбир доирасида 2001 йилдан буён кўҳна Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали ғолибига ҳам ЮНЕСКО — Ўзбекистон мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тақдимотга ЮНЕСКОга аъзо давлатлар вакиллари, маданият арбоблари, шу соҳада фаолият олиб бораётган олим ва мутахассислар иштирок этишди. Халқаро ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, 2003 йилги «Шарқ тароналари» мукофоти Кубанинг Латумба Франческо фольклор жамоасига берилди.

«Туркистон-пресс»

Маънавият

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят кутубхонаси чет эл илм-фан муассасалари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Яқинда Тошкентдаги Гёте институти томонидан кутубхонага 250 дона китоб совға қилинди. Умумий нархи 3000 евро турадиган бу китоблар орасида турли қомуслар, луғатлар, тўпламлар, шунингдек, Германия иқтисодиёти, маданияти, табиати ҳақида ҳикоя қилувчи нашрлар ўрин олган.

— Биз Фарғона вилояти бош кутубхонаси фаолияти билан танишмиз, — дейди Гёте институти масъул ходими Б.Зендер хоним, — келтирган китобларимиз фарғоналикларнинг мамлакатимиз ҳақидаги билим ва тушунчаларини оширишга хизмат қилса мамнун бўлардик. Институтимиз, шунингдек, Фарғона, Марғилон шаҳарлари, Олтиариқ туманидаги немис тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган мактаблар, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти билан ҳам маданий-маърифий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятида.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Пахта — 2003»

САМАРҚАНДЧА ҒАЙРАТ ВА УСЛУБ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Етиштирилган ҳосилни нестнобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш мавсуми эса жорий йилда ўзгача иштиёқ билан бошланди. Пешона тер, заҳматли меҳнатлар эвазига бунёд этилган ҳосил «Самарқандча услуб»да териб олиниши кенг миқёсда тарғиб қилинди.

— «Услуб»нинг қулайлик томонлари шунда бўлдики, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Пирмат Усаров, — ҳар бир эгат бошига қўйилган байроқчаларга қараб теримни тоза ва сифатли ташкил этиш, катта самара берди. Жорий йилда теримчиларга бериладиган терим пуллари ҳар йилгидек хўжалик ходимлари томонидан эмас, вилоят ҳокимлиги қошида ташкил этилган махсус гуруҳ томонидан қатъий назоратга олинди. Натижа биз ўйлагандан ҳам самарали бўлди. Шунинг эвазига бўлса ажабмас — мавсум ҳар йилгидан-да уюшқоқлик билан ўтди.

Терим кечикиб бошланган бўлса-да, ғўза тупларидаги кўсакларнинг 75-80 фоизи очилгач, белга этак боғланди. Нарпай тумани пахтачиликда нафақат вилоятда, балки, республикада ҳам ўз тажрибалари билан кўзга кўринган. Туманда ширкат, пайчилик усули ҳар томонлама ўзини оқламоқда. Туман пахтакорлари 15-20 кун аввал 33 минг тонналик режани ошиғи билан бажариб, вилоятда биринчилар қаторида зафар қучдилар.



Шунингдек, Жомбой, Пастдарғом, Пахтачи, Ургут каби қатор туманларнинг оқ олтин бунёдкорлари ҳам хирмонга салмоқли улуш қўшдилар. Жомбой туманидаги Х.Низаматов, Й.Охунбобоев номидаги ҳамда «Ҳақиқат» ширкат хўжаликлари жорий йилда ҳар гектар ер ҳосилдорлигини 35 центнергача етказишди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда хусусан пахтачиликда ҳам фермер хўжаликларининг улуши салмоқли бўлганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозир вилоятда 9000 га яқин фермер фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда Нарпай туманидаги «Камолот-АРК», Жомбойдаги «Навбаҳор», «Қора ариқ», Оқдарё туманидаги «Дурдона». «Човоқтепа» каби фермер хўжаликлари мавсумда бошқаларга ўрнак бўлганлигини таъқидлаб ўтмоқ жоиз.

Қатор йиллар соҳада қолоқликдан чиқолмай келаётган Пайариқда ҳам бу йил натижалар ёмон эмас. Хўжаликларнинг ёппасига фермер хўжаликларига айлантирилиши ерга эгалик ҳиссини кучайтирди. Тумандаги мавжуд фермер хўжаликлари олдиларига қўйилган режани уддалаш мақсадида астойдил меҳнат қилишди.

Хуллас, ўтган йилдаги каби 2003 йилда ҳам Самарқанд вилояти меҳнаткашлари яхши натижаларга эришдилар. Галла етиштиришда хирмонлар донга тўлди. Пахтачиликда кўп йиллик тажрибаларга таянган ҳолда ўзига хос мактаб яратилди. Бугун самарқандликлар эл-юрт олдида юзлари ёруғ бўлдилар.

Эришган зафаринг муборак бўлсин, самарқандлик танти деҳқонлар!

Шуҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

❖❖❖

Суратларда: теримчилар Дилшода Мамадиёрова ва Зайниддин Қудратов(1-бетда); Нарпай туманидаги «Туркистон» ширкат хўжалиги раҳбари Ортиқ Эшқувватов ва бригада бошлиғи Ибодулла Қурбонов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Бир шикоят изидан

КИМ ҲАҚ,

БУ САВОЛГА АРИЗАЧИ ТЎҚҚИЗ ЙИЛДАН БУЁН ЖАВОБ ИЗЛАЙДИ. ЖАВОБЛАР-КУ БОР, АММО УЛАРНИ ТАН ОЛМАЯПТИ...

1994 йил 2 декабрь куни мен ўз эгаллаб турган лавозимим — Тошлоқ тумани халқ таълими бўлими мудирлигидан озод этилдим. Вилоят халқ таълими бошқармаси собиқ бошлиғи Т.Қурбонов имзо чеккан буйруқда менинг ишдан бўшатилишимга асос қилиниб Фарғона шаҳар судининг 12 апрелдаги қарори кўрсатилган. Хўш, бу қарорнинг мазмуни нима эди?

Мендан илгари шу вазифада ишлаган С.Каримов Тошлоқ тумани Давлат назорат инспекцияси (собиқ) томонидан ўтказилган текширишлар чоғида аниқланган суиистеъмолликлар боис вазифасидан четлаштирилган эди. Туман мактабларидаги камчилик ва нуқсонлар тўғрисида «Тошлоқ тонги» ва вилоят газеталарида танқидий мақолалар ҳам эълон қилинганди.

Шундан сўнг С.Каримов ўзини ноҳақ ишдан бўшатилган дея ҳисоблаб, Фарғона шаҳар судига даъво аризаси киритди. Суд мажлисида С.Каримов «ишдан бўшашимга ўша пайтдаги туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Фозилов билан келишмай қолганим сабаб бўлди», деб кўрсатди. Яъни, Р.Фозилов 1993 йил февраль ойида уни ҳузурига чақириб туман марказидаги 300 нафар ўқувчига мўлжалланган ҳунар-техника мактаби биносини «Тошлоқ тонги» редакцияси учун бўшатиб беришни талаб қилган, у эса кўнмаган эмиш. Даъвонинг асоссизлиги шундоқ кўриниб турибди. Чунки бор-йўғи беш-олти одам ишлайдиган кичик таҳририят жамоаси учун 300 (!) ўринли улкан мактаб биносини бўшатиб беришни талаб қилиш мантиққа зид ва туман ҳокимлиги бундай талаб қўймаслиги аниқ. Иккинчидан, Тошлоқда бундай мактабнинг ўзи йўқ эди... Гўё шу воқеадан сўнг юзага келган келишмовчилик боис туман давлат назорат инспекцияси мактабларни текшириб, аниқланган камчиликлар сабаб уни ишдан бўшатган эмиш.

Тўғри, судда туман халқ таълими бўлимидаги ноқонуний амалга оширилган дея ҳисобланган баъзи масалалар ҳам кўрилди. Масалан, Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси томонидан халқ таълими бўлимига хайрия сифатида ўтказилган ярим миллион сўмга халқ таълими бўлими... қассобхона қурган экан! Хўш, халқ таълими бўлимига қассобхона зарурмиди? Ўша пайтда катта маблағ ҳисобланган 500 минг сўмга мактаб ёки болалар боғчалари учун зарур ашёлар сотиб олиш мақсадга мувофиқ эмасмиди?

Хуллас, Фарғона шаҳар суди вилоят халқ таълими бошқармасининг С.Каримовни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғини бекор қилиш ва уни ўз вазифасига тиклаш ҳақида қарор чиқарди. Шу қарорга асосан мен вазифамдан бўшатилдим. Бироқ менинг ишдан бўшатилишим ғайриқонуний эди, деб ҳисоблайман. Чунки, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғриси»даги қонуннинг 23-моддасига кўра, ижроия ҳокимияти структура бўлимларининг раҳбарлари давлат бошқарувининг юқори органлари билан келишилган ҳолда тегишли ҳокимнинг тақдимига биноан халқ депутатлари Кенгаши томонидан, сессиялар оралиғидаги даврда эса ҳоким томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар, бу хусусида қабул қилинган қарор халқ депутатлари кенгашининг тасдиғига киритилади. Туман халқ таълими бўлимининг мудири вазифаси эса айнан структура бўлинмаси раҳбари лавозими ҳисобланади. Ижро органлари икки томонлама бўйсунганлиги учун тегишли ҳудудда маълум орган раҳбари лавозимига тайинланаётган вақтда, шу органнинг юқори идораси билан ҳам албатта келишилади. Яъни лавозимга тайинлашда учинчи орган ҳам иштирок этади.

Шунча йиллардан буён юзаки жавоблар олиш билан кифояланавердим. Мисол келтирай. «Сизнинг 1995, 1999 йилларда вилоят судига назорат тартибида ёзган шикоят аризангиз қаноатлантирилмасдан қолдирилган ва бу ҳақда сизга маълум қилинган, — деб жавоб қайтаради фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди ўзининг 26.06.2003 йил 4-67 рақамли жавоб хатида.

1 2

Ҳуқуқий ислоҳот

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ МАҚОМИ БАЛАНД

Жамиятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ислоҳотларнинг натижаси сифатида жиноий жазоларни ҳозирги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, айб учун жазонинг муқаррарлиги принципига амал қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ каби жазо турларининг имкон қадар муқобили, яъни озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо билан алмаштириш ғоялари илгари сурилди. Масалан, Жиноят кодексининг 44-моддасида белгиланган жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 600 бараваригача кўтарилганлиги бу жазо турининг қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги муқобилини қўллаш имконини бермоқда.

Жиноят кодексининг 43-моддасига киритилган ўзгартириш билан мол-мулкни мусодара қилиш жазо тури жазо тизимидан чиқарилди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги бундай ўзгаришлар Президент ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топганлигини алоҳида қайд этмоқ ўринли.

Қонуннинг инсонпарварлик жиҳати ҳақида соатлаб гапириш, саҳифа-саҳифа битик ёзиш мумкин. Кўпчилик эътироф этганидек, либераллаштириш суд-ҳуқуқ ислоҳотларида катта қадам, қонунларнинг янада инсонпарварлашувида улкан иш бўлди.

Шайхонтоҳурлик Комилжон Содиқов ўғирлик жиноятини содир этиб, туман суди томонидан 8 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Қонунларимиздаги эркинлашув натижасида Ҳамза туман суди томонидан ушбу жиноят ЖКнинг 169-модда 3-қисм «б» бандидан мазкур модданинг 2-қисмига қайта малакаланди. Яъни, судланувчи 5 йилга озодликдан маҳрум этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.08.2001 йилдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан жазони ўташликдан озод этилди ва оиласи бағрига қайтди.

Анатолий Заусаев эса Янгийўл шаҳар судининг ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-модда 3-қисм «а» банди билан 8 йил озодликдан маҳрум этилган эди. Ҳамза туман суди ажримига асосан бу жазо тури ҳам қайта малакаланди ва «Амнистия тўғрисида»ги Фармонга кўра Анатолий Заусаев жазони ўташдан озод бўлди.

Албатта, бунақа мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг бари эса жазоларнинг эркинлашувидан, инсон омили юқори қўйилаётганидан далолат.

Жиноий ишлар бўйича Ҳамза туман суди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош Бошқармасига қарашли 18-сонли жазони ижро этиш Колониясида қонун ижроси бўйича кўлгина ишларни амалга оширмоқда.

Муассасага жазо муддатини ўташ ва даволаниш учун келган барча маҳкумларнинг шахсий йиғма жилдлари ўрганиб чиқилди. 73 маҳкумга (шундан 6 нафари 60 ёшдан ошган) нисбатан тайинланган жазо муддати Қонунга асосан камайтирилди. Юқоридаги мисолларда ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг инсонпарварлик моҳиятини кўриш мумкин.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, биринчи марта озодликдан маҳрум этилган судланган шахсларнинг жазони ўташ шароитларини либераллаштириш, улар билан тарбиявий ишларни ташкиллаштириш, бу ишда жамоатчилик ва фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Фармони жиноий қонунчиликни либераллаштиришнинг навбатдаги босқичи бўлди, десак хато қилмаймиз. Унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, биринчи марта судланган шахслар озодликдан маҳрум этиш жазосини манзил-колонияларда, ўта оғир жиноят содир этиб, биринчи марта судланганлар эса умумий тартибли колонияларда ўташлари Фармонда белгилаб берилди.

Демак, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари узлуксиз жараён бўлиб, у янада такомиллашишда давом этмоқда.

Улуғой ИНОМЖОНОВА,
Тошкент шаҳар, Ҳамза туман жиноий ишлар бўйича судининг раиси

Янги китоб



УЙҒОҚ ХОТИРАЛАР

Кеча Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Киприкда қолган тонг» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ёзувчига умр йўлларида, ижоднинг машаққатли манзилларида ҳамроҳлик қилган устозлари, шогирдлари, елкадош дўстлари ҳақидаги ўлмас хотираларнинг учинчи китоби ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Улар «Топганларим ва йўқотганларим», «Қора кўз Мажнун» ниҳоят «Киприкда қолган тонг»...

Бу ажойиб асарлар миллат маданияти, адабиёти, санъатининг XX асрдаги дарғаларига бағишланган. Бугунги авлод Ғафур Ғулом, Ойбек, Шуҳрат, Асқад Мухтор, Ўлмас Умарбеков истироблари, ижод йўлларида тортган уқубатлари, ширин лаҳзалари, мустабид тузумнинг улар бошига солган оғир кунлари билан — устоз Саид Аҳмад асарлари орқали юзма-юз келади.

Хотира ўтмиш ҳақиқатлари орқали бугуннинг қадр-қимматини белгилаб беради. Хотира озодлик туйғуси нақадар бебаҳолигини, уни асраш кераклиги ҳақида ёшларимизга сабоқ беради.

Йиғилганлар эътироф этганидек, Саид Аҳмад табаррук ёшида хотира қудуқларини игна билан қазиб, мозий қаърида қолиб кетган тарихий адолатни тиклаш йўлида ҳамма ижод аҳлига ўрнак бўладиган ишларни амалга ошираётир.

Асарнинг бадиий қиммати, адабий оламимизда улкан воқеа эканлиги таниқли адабиётшунослар Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров, Абдуғафур Расулов, Бойбўта Дўстқораевлар томонидан атрофлича очиб берилди.

Шунингдек, Саид Аҳмад юксалтирган, ижод мактабига айлантирган ўзбек насрининг бугунги намояндалари, устоз ёзувчининг шогирдлари Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Эркин Аъзамовлар китобдан ўрин олган марҳум адиб Ўлмас Умарбековга бағишланган «Киприкда қолган тонг» қиссасининг ўзбек адабиётида, сўнгги йилларда яратилган энг сара асар эканлигини таъкидладилар.

Биз ҳам хулоса ўрнида, тақдимот иштирокчиларидан бири айтган мана бу фикрни келтиришни лозим топдик: халқимизни мазкур янги китоб, ажойиб асар билан табриклаймиз.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

Божхонада нима гап?

МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

МАМЛАКАТИМИЗДАН ХОРИЖ ВАЛЮТАСИНИ НОҚОНУНИЙ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШГА УРИНИШ ОҚИБАТЛАРИ

Ҳар бир давлатдаги каби бизда ҳам мамлакатимизга келиб-кетувчилар учун тартиб-қоида жорий этилган. Афсуски, мавжуд қонунларни бузувчилар учраб турибди. Божхона ходимлари ундайларга қарши ҳушёр ва сергак иш олиб боряптилар. Ҳамюртимиз Татьяна Альянова Тошкент — Симферополь йўналишида учмоқчи эди. У ширин хаёллар оғушида божхоначиларга ҳужжатларини кўрсатаркан, гап орасида пенсионер эканлигини, ҳатто божхона қонун-қоидаларидан яхшигина хабардорлигини таъкидлаб ўтди. «Тошкент — Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари эса унинг ҳужжатлари ва юкларини диққат билан кўздан кечиришгач, Татьяна опа пенсионер бўлса-да, ёлғон гапиргани маълум бўлди. Негаки, у тегишли ҳужжатларда кўрсатмасдан оз эмас-кўп эмас накд 25400 АҚШ долларини яширинча олиб кетаётган экан. Бу аёлга нисбатан қонунда белгиланган жазо берилди. Ноқонуний равишда республикамиздан олиб кетилаётган хорижий валюталар эса давлат эгалигига ўтказилди.

Касби сотувчи бўлган Раъно Ҳайдарова ҳам божхоначилар «қопқонига» тушганлардан. У 9313 АҚШ доллари ва 40 еврони яширгани учун судланди. Тюменга учмоқчи бўлган йўловчилардан бири Фарида Бородина «парвози» ҳам кечиктирилди. Сабаби, у ҳам қонунга зид иш қилган. 10086 АҚШ долларини тегишли қоғозларда кўрсатмаган.

Меҳмонни азиз, деймиз. Озарбайжон Республикаси фуқароси, хусусий тадбиркор Хазангул Набиеванинг ҳам юзи шувит бўлди. У 10000 АҚШ долларини ички кийимлари орасига бекитиб «қайдасан, Боку» дея аэропортга келди. Қараса текшир-текшир. Ўзбекистонлик божхоначилар бир зумда унинг сирини фош қилди.

Шу ўринда бир гапни эслатиб ўтиш жоиз. Божхона масканларида келиб-кетувчилар учун эслатма бор ҳамда уларга оғзаки тушунтирилади. Нимани, қанча миқдорда ўзлари билан олиб кетиш мумкину қайси товар ёхуд қимматбаҳо буюм ва хориж валютасини белгиланганидан ортиқча олиб кетиш мумкин эмас. Аммо, билганидан қолмайдиган нафс бандалари «йўлини қиламан, сезмайди», қабилида иш юритиб охирида аттанг, деб қолишмоқда. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлардан бири шуки, божхона қоидаларини бузувчиларнинг яшаш ва иш жойларига тақдимнома киритиш мунтазам йўлга қўйилди. Мақсад ноўрин иш қилган фуқаронинг қўшниси ёки ҳамкасби ҳам бу хилдаги қоидабузарликдан хабардор бўлиб, ўзи ҳам бундан хулоса чиқарсин.

Агар статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йилнинг ўн ойида 46 ҳолатда 184143 АҚШ долларини юртимиздан ғайриқонуний олиб кетишга уриниш қайд этилган, жорий йилнинг шу даврида 290 марта, жами миқдори қарийб 500 минг АҚШ долларини «билдирмай» олиб кетишга уриниш бўлган. Ўқувчиларда ўтган йилга нисбатан қоидабузарлар сони ортибди-да деган фикр пайдо бўлиши мумкин. Ундай эмас. Давлат божхона органларида шу йилнинг бошидан буён жиддий ислоҳотлар ўтказилаётгани, соҳа ходимларининг хизмат вазифаларига масъулияти янада оширилганлиги туфайли шундай натижага эришилди. Божхоначиларимиз шу кунларда назоратни янада кучайтириб, мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, тақиқланган товар-моддий бойликларининг қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш учун ўз постларида сергак ва ҳушёр туришибди.

Абдумўмин ТИЛОВОВ,
Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати раҳбари,
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Франциянинг гавжум кўчаларида

ШИФОХОНАЛАРГА ЁТҚИЗИЛДИ

«Новости» агентлигининг хабар беришича, Қирғизистоннинг жанубида 150 киши ичтерлама касаллигига чалинган, деган шубҳа остида шифохоналарга ётқизилди. Шундан 96 нафарининг ҳақиқатан ҳам касалликка чалинганлигини тиббий текширувлар тасдиқлади.

Қирғизистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг матбуот хизмати берган маълумотларга қараганда, инфекция Боткен ва Жалолобод вилоятларининг 20 га яқин аҳоли пунктида қайд этилган. Вазиятни ўрганиш ва беморларга ёрдам бериш учун Бишкекдан жўнаб кетган Давлат санитария ва эпидемиология назорати ҳамда республика инфекция касалликлари клиник шифохонаси мутахассислари шу кунларда воқеа жойида фаолият олиб бормоқдалар.

Эпидемия текширувларида аниқланишича, юқумли касалликлар ўчоғи қўшни Тожикистон ҳудудида бўлиб, Қирғизистонга ариқлардаги сув орқали ўтган.

Касаллик асосан 15 ёшдан 45 ёшгача бўлганларда учрамоқда.

Республикада инфекция тарқалишига қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича тезкор штаб тузилди. Шифокорлар уйма-уй юриб тиббий текширув ўтказмоқдалар.

Бундан ташқари, республика жанубида касалликнинг келиб чиқиши, унга қарши кураш, унинг олдини олиш ҳақида ахборотлар битилган варақалар аҳолига тарқатилмоқда. Қишлоқларга эса тоза ичимлик суви етказиб бериш йўлга қўйилди.

Қирғизистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги баёнот беришича, мамлакатда эпидемик вазият назорат остига олинган.

ЯҚИН КУНЛАРДА УЧРАШАДИ

Исроил бош вазири Ариэл Шарон яқин 10 кун ичида Фаластин бош вазири Аҳмад Курей билан учрашади. Бу ҳақда Исроил ташқи ишлар вазири Сильван Шалом баёнот берди, дейилади The Jerusalem Post газетаси сайтидаги ахборотда.

Аҳмад Курей ва Фаластин етакчиси Ёсир Арафот уч йиллик қарши курашлардан сўнг энди тинчлик музокараларини бошлаш тўғрисида янги таркиб топган ҳукумат олдида чиқиш қилдилар ва халқни Исроилга қарши курашни тўхтатишга чақирдилар. Шундан сўнг янги ҳукумат аъзоларини қасамёд қабул қилдиришди.

Исроил оммавий ахборот воситалари маълум қилишича, Шарон ва Курей учрашуви Шароннинг кейинги ҳафта бошларида Италияга қиладиган сафаридан сўнг бўлиб ўтиши кутилмоқда.

На"aretz газетаси ахборотида ёзилишича, Шарон ва Курей учрашувидан сўнг тинчлик музокараларини жонлантиришга имконият туғилади ва шундан кейин Исроил ташқи ишлар вазири Сильван Шалом Фаластин ташқи ишлар вазири Набил Шаат билан учрашади.

XORIJDA

Тафсилот

ИРОҚ: ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Интернет маълумотларига қараганда, Ирокда вазият кескинлашиб бормоқда. Саддам Ҳусайн тарафдорларининг қаршилик кўрсатиши террорчилик актларида намоён бўлмоқда. Кейинги пайтларда тез-тез портлашлар содир этилаётгани фикримиз далилидир. Жумладан, чоршанба куни яна портлаш содир этилди. Бу сафар Ироқнинг Ан-Носирия шаҳрида жойлашган Италия ҳарбий полициясининг штаб-квартирасига портловчи моддалар тўлдирилган юк машинаси ва бронеавтомобиль катта тезликда келиб урилган. (Террорчи-камикадзелар аввалига бино соқчиларига қарата қуроллардан ўт очган, сўнг машиналари билан бинога келиб урилган). Натижада жуда кучли портлаш юз берган.

Associated Press агентлиги маълум қилишича, 31 киши ҳалок бўлган, 80 га яқини жароҳат олган. Ўлганларнинг 18 нафари ва яраланганларнинг 20 нафари италияликлар эди. Шунинг учун Италияда мотам куни бўлиб ўтди.

Мамлакат Президенти Карло Адзельо Чампи, бош вазир Сильвио Берлускони ҳамда Рим папаси Иоанн Павел II ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила-аъзоларига ҳамдардлик билдирдилар.

АНСА агентлигининг хабарларига қараганда, Италиянинг отлиқ жандармига қарши бундай ҳунрезликлар содир этилган бўлишига қарамай улар Ирокда ўз фаолиятини давом эттираверадилар. Бу ҳақда Италия Президенти ва бош вазир баёнот берди.

Бироқ, мухолифатчилар етакчиларидан бири Франческо Рутелли парламентда сўзга чиқаркан, Италиянинг Ироққа нисбатан юритаётган сиёсати қайта кўриб чиқилишини талаб қилди. Аммо ҳукумат бунга муносабат билдирмади. Аксинча Ироққа яна 50 нафар отлиқ жандарм жўнатди. Улар махсус тайёргарликдан ўтган ва тажрибали мутахассислардир. Улардан айримлари ўтган ҳафтада Афғонистон ва Ирокдан қайтган.

Яна шуни қўшимча қилиш лозимки, Япония ҳукумати Ирокда вазият кескинлашганлиги боис ўзининг ҳарбий контингентини Ироққа жўнатишни тўхтатиб туришга қарор қилди. Аслида контингент шу йил охиригача жўнатилиши лозим эди. Энди эса келгуси йил бошларигача қолдирилади, дейилади BBC хабарида. Португалия эса Ан-Носириядаги портлашлардан сўнг ўз ҳарбийларини аввал режаланганидек Ан-Носирияга эмас, балки Басрага жўнатишни афзал кўрди.

Жанубий Корея ҳукумати бўлса бу борада ўзгача қарорга келди. Яъни фақат 3 минг кишилик ҳарбий контингентни жўнатишни режалаб турибди. Бу эса расмий Вашингтон сўраганидан 3 баравар кам. Контингент жўнатилиши сўралган миқдорда камида 10 минг аскар айтилган эди.

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельднинг Жанубий Корея Президенти Ро Му Хен билан учрашувидан сўнг Жанубий Корея ўз контингентини яна кўпайтиришга ваъда берди, лекин қачон, қанчалиги ҳақида аниқ бир нарса айтилмаган, дея хабар беради Reuters агентлиги.

Франция ҳам Ирокда хавфсизликни таъминлашда америкаликларга ёрдам қўлини чўзмоқчи. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Доминик де Вильпен маълум қилди.

Вазир Франциянинг «Европа-1» радиостанциясига берган интервьюсида айтишича, бугун Франция бу борада ҳар қандай учрашувга, ҳар қандай музокарага тайёр. Негаки, гап нафақат Ирокдаги, балки дунё хавфсизлиги ҳақида кетмоқда.

Қисқаси, Ирокдаги кескинликни юмшатиш, вазиятни барқарорлаштириш учун жаҳон жамоатчилиги ҳаракат қилмоқда. Буни Ирокда хизмат бурчини ўтаётган голландиялик ҳарбийлар аҳдидан ҳам сезиш мумкин. Нидерландия мудофаа вазири Хенк Кампнинг парламентда айтган сўзларига қараганда, голланд аскарлари Ирокдан олиб чиқиб кетилмайди. «Улар жанговар шай ҳолатга келтирилди» деди Хенк Камп миллий телевидениеда қилган чиқишида.

Ҳозир 1100 голланд аскари Ирокдаги тинчлик кучлари таркибида Ал-Мутан ҳудудида патруллик қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатдаги вазиятни ҳисобга олиб, расмий Вашингтон Ирокдаги ўз стратегиясини ўзгартиришга қарор қилди. Гап шундаки, Ирокдаги Америка маъмурияти бошлиғи Пол Бремер куни кеча Оқ уй маъмурияти билан музокаралар ўтказиб, Оқ уйнинг янги дастури билан Бағдодга қайтди. Давлат бошқарувини иложи борича тезроқ Ироқнинг янги тузилажак муваққат ҳукумати қўлига бериш унда асосий масала қилиб қўйилган. Американинг янги стратегиясига кўра, 4-6 ой ичида сайлов ўтказиб, Муваққат ҳукуматни тузиш ва вақтинчалик Конституцияни қабул қилиш бугунги долзарб вазифалардан бирига айланди. Ирокдаги муваққат бошқарув кенгаши 15 декабргача сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда Конституция қабул қилишга улгуролмайди ва унинг уддасида чиқолмайди ҳам. Шунинг учун Вашингтон Кенгашни тарқатиб юбориб, ўрнига 10-20 кишилик ижроия органи ташкил этишни мўлжалламоқда. Бу орган қўйилган мақсадга тезроқ етишнинг мақбул йўли эканлигини Оқ уй вакиллари алоҳида таъкидлашмоқда.

Нима бўлгандаям, Ирокдаги вазият барқарорлашувидан нафақат АҚШ, балки дунё аҳли манфаатдордир.

Алимбек ТОШБЕК

КИМ НОҲАҚ?

— Сиз бекор қилишни сўраган ҳал қилув қарори чиқарилган фуқаролик ишини назорат тартибида ўрганиб чиқилиши учун фуқаролик иши шаҳар суди архивидан талаб қилинганда фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 27.05.2002 йилдаги 60-сонли маълумотига кўра, Фарғона вилоят давлат архивининг 1998 йилдаги далолатномасига асосан ушбу фуқаролик иши йўқ қилинганлиги сабабли фуқаролик ишини қонун талаби асосида назорат тартибида ўрганиб чиқиш имконияти бўлмади».

Ана холос! Ахир, Ўзбекистон Республикаси миллий архивининг ҳужжатлар сақланишини белгилаш тартибида «Суд, прокуратура органларидан ҳужжатлар давлат сақловига 15 йилдан кейин олинади. Судларда кўрилган фуқаролик ишлари қарорларининг сақланиш муддати эса доимийдир» дея кўрсатиб қўйилган-ку! Худди шу тартибда «юқорида номлари кўрсатилган идоралардаги ҳужжатлар давлат архивига топширилганга қадар ўзларида, яъни идора архивида кўз қорачиғидай сақланиши шарт. Акс ҳолда архивлар тўғрисидаги қонуннинг 21-моддасига кўра «архивлар ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар» дея уқтирилган. Қизиқ, нега фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди менга бунақа жавоб хати ёзди экан? Ахир юқоридаги ҳужжатлар Фарғона туманлараро судида камида 15 йил сақланиши керак эди-ку?

Мен узоқ йиллар педагогик фаолият билан шуғулландим. Юзлаб шогирдларим мустақил Ўзбекистонимиз равнақи йўлида меҳнат қилмоқда. Оилам тинч, рўзғорим бут, ҳаётимдан мамнунман. Лекин бир нарса дилни ғаш қилади. Не-не ёшларга адолат ҳамиша тантана қилиши, эзгулик ва ҳақиқатнинг қадри доимо баланд келишини уқтириб келганман. Афсуски, энди ўзим ҳақсизлик олдида ночор аҳволда қоляпман...

Маъруфжон ТЕШАБОЕВ,
Тошлоқ тумани

3

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ушбу хатда кўтарилган масалаларни ўрганиб чиқишни Фарғона вилояти бўйича ўз мухбиримиз А.Ибодиновга топширган эдик, мухбиримиз аризачининг даъволари асосан тўғри деган хулосани берди.

Бироқ, бу масалада ҳуқуқшунос фикрига ҳам эҳтиёж сезилди. Шу боис аризадаги айрим даъволарни Тошкент шаҳар «Нажот маскани» адвокатлик фирмаси раҳбари Ёқубжон Тўлагановдан шарҳлаб беришини илтимос қилдик.

— Ушбу иш билан таниш эмасман, — дейди у. — Бироқ фуқаро М.Тешабоев иши юзасидан гапирсак, у вазифадан бўшатилиши қонуний. Лекин Меҳнат Кодекси талабига кўра М.Тешабоевга мутасадди органлар томонидан ўзини эгаллаб турган лавозимига яраша ёки у рози бўлган бошқа иш билан таъминлашлари лозим эди. Чунки мутасадди органлар томонидан С.Каримов ишдан бўшатилаётганда қонунбузарликка йўл қўйилган, шунинг учун у ўз лавозимига тикланган, лекин бу қонунбузарликка М.Тешабоевнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. У ишга мутасадди орган томонидан эгаллаб турган лавозимига тайинланган. Шу сабабли улар ўз хатоларини бартараф этиб, М.Тешабоевнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилишига ҳақли эмаслар.

Шуни таъкидлаш лозимки, М.Тешабоев ишдан бўшатилгандан сўнг вақтни ўтказмасдан ўзига лойиқ иш талаб қилиши лозим эди. Лекин ҳозирги кунда даъво муддати ўтгандан сўнг даъво қилиш муддати тикланадими, йўқми буни суд ҳал қилади.

Яна шуни айтмоқчимизки Ё. Тўлаганов С.Каримовнинг қилмишлари ҳақида прокуратурага мурожаат этиши лозим эди. Прокуратура эса С.Каримовни ҳимоя қилган, ишга тиклаган судга протест келтиради.

4

Обод маҳалла — мамлакат кўрки

ИСМИ-ЖИСМИГА МОНАНД

ГУЛИСТОНЛИКЛАР БУГУН ШУНГА ИНТИЛИШАЯПТИ

«Гулсум момоникига ҳашарга!» деб, тонг саҳардан жарчи жар солиб ўтди. Момо ёлғиз қўл. Уйи бир аҳволда эди. Маҳалла-кўй йиғилишиб эшик қўйди, девор кўтарди, томини ёпди, бугун худо хоҳласа оқлаб, момони янги уйга кўчириб ўтказиш ниятида ҳашарга келишди.

Сирдарё вилоятида номи тилга тушган маҳаллалар кўп. Шундайлари борки, хонадонлари озодалик, саранжомлик, ҳовлиларни гулга буркашда бир-бири билан бас бойлашади.

Мирзаобод туманидаги «Наврўз» маҳалласи эса спорт ишқибозлари кўплигидан тилга тушган. Маҳалла аъзолари қаровсиз ётган стадионни ҳашар йўли билан тартибга келтиришди.

Туман марказидаги 500 ўринли уч қаватдан иборат коллежи қурилишига ҳам маҳалла аҳли муносиб ҳисса қўшди. Яқинда бу масканга 220 дан ортиқ тикув машинаси олиб келиб ўрнатилди. Натижада коллежда таълим-тарбия олаётган ўқувчиларнинг чуқур билимга эга бўлиши учун барча қулайликлар яратилди. Коллеж ёнида узоқ-яқиндан келган ўқувчилар учун 400 ўринга мўлжалланган ётоқхона ҳам туман маркази кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу савобли ишларнинг бошида туман раҳбари Абдумавлон Ибодуллаев турганини кўпчилик яхши билади.

Вилоят «Маънавият ва маърифат маркази»да ҳаёт қайнайди. Бу ерда ҳар куни бирон бир тадбир, учрашув ёки анжуманнинг устидан чиқасиз. Вилоятга келган меҳмон борки, бу ажойиб кошонага қадам қўяди. Вилоят ижодкорлари ҳар ойда бир марта албатта шу ерда тўпланадилар.

Мирзаобод туманидаги Қорасийрок маҳалласига олиб борувчи саккиз километр масофадаги йўлга асфальт ётқизилганда ҳар бир йўловчи дуога қўл очди. Бу йўлни созлаган ҳам, яна шунча масофага газ ўтказган ҳам маҳалладошлари Абдураҳмон Пирматов эканлигини биров билди, биров билмади. Абдураҳмон эса хайрли ишни хуфия қиладиган йигитлар сирасидан. Унинг оиласидаги баракот, омад, ўғил-қизлари эришаётган ютуқлар — эҳтимол ана шу хайру саховатлар туфайли бўлса не ажаб. Маҳаллаларимиз ана шундай одамлар билан обод-да!

«Аҳиллик» маҳалласидан Фичрят Кулиев хонадонида бўлган киши руҳини ажиб бир сокинлик эгаллайди. Бундаги тартиб, гуллар билан ясатилган ҳовли хонадон соҳибларининг хислату фазилатлари билан шунчалар ҳамоҳангки!.. Покиза хонадонда пок инсонлар яшайди, деган иборанинг исботини шу ерда топгандай бўласан киши.

Гулистон шаҳрининг қоқ ўртасидан темир йўл ўтган. Унинг жануб томони қадимдан «Маҳалла» номи билан аталади. У ерликлар юриш-туриши, уддабуронлиги, шаҳарликларга хос турмуш тарзи билан ён-атрофдагиларнинг ҳавасини келтирган. Бугунги кунда ҳам улар тўйларни ихчам, тартибли ўтказишлари, уюшқоқликлари, ташаббускорликлари билан олдинда. Бу ердаги Саттор Обидовлар хонадонига киринг-да, бутун маҳаллани беш қўлдай билиб олдим, деб ҳисоблайверинг. Гулу райҳонлар барқ уриб ётган, ойналарида қуёш жилваланиб турган, нурга ғарқ бўлган хонадонлар мана шу маҳаллага хос.

Маҳалладагилар бир-бирини ўзларини билгандек биладилар. Бу ердаги манзарани кечки пайт бир кўринг-а: кўни-қўшнилар бир-бирларига тансиқ овқатлардан илинишади. Аслида улар бир-бирларига овқат эмас, меҳр улашади. Улар билан меҳр эргашиб юргандай бўлади.

Қаерда аҳиллик, меҳр-оқибат бўлса, кўни-қўшнилар бир-бирини суяб, оғаинидек яшаса ўша ерда файз-барака, яхшилик, тинчлик бўлади.

Ватан ичра масканлар – маҳаллаларимиз бағрига биттадан бўлса ҳам яхшилик, поклик уруғини қадаш ҳар биримизнинг эзгу ишимизга айланса, деган ният кўнгилдан ўтади.

Маматқул БОЗОРБОЕВ

Болалар спорти



Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилиб, уларнинг комил инсон, келажакда ўз Ватанига астойдил хизмат қиладиган ватанпарвар бўлиб етишиши учун кўплаб хайрли ишлар қилинмоқда.

Хусусан, Томди туманидаги «Жана — шаруа» наслчилик ширкат хўжалигида болалар спортига катта аҳамият берилмоқда. Бу ерда иккита мактаб бўлиб, уларда 378 нафар ўғил-қиз таълим олаётир. Болаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш мақсадида қишлоқда қаровсиз ётган ерлар тозаланиб, футбол, волейбол, теннис ва бошқа спорт турларига мўлжалланган майдонлар барпо этилди. Эндиликда болажонлар спорт билан мириқиб шуғулланмоқда.

❖❖❖

Суратда: мураббий Қонақбай Қаппаров футболсевар ёшлар билан

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.

Савол: Амалдаги ишончнома қандай ҳолларда бекор қилиниши мумкин?

К.Нажмиддинов, Сурхондарё вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 141-моддасига асосан, ишончноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

1) ишончнома муддатининг тамом бўлиши;

2) ишончнома берган шахснинг уни бекор қилиши;

3) ишончнома берилган шахснинг бош тортиши;

4) номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;

5) номига ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши;

6) ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши, ёхуд унинг вафот этиши;

7) ишончнома олган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомалага лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши, ёхуд унинг вафот этиши.

Ишончнома берган шахс истаган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса ундан воз кечиши мумкин. Бу ҳуқуқдан воз кечиш ҳақидаги битим ҳақиқий эмас.

Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлиши билан уни бошқа шахсга ўтказиш ҳам ўз кучини йўқотади.

Савол: Белгиланган даъво муддатининг давомийлиги қандай вазиятларда тўхтатилишига йўл берилади?

Н.Тўхтаев, Наманган вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 156-моддасига мувофиқ, даъво муддатининг ўтиши қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

1) агар даъво қўзғатилиши учун муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган фавқулодда ҳодиса (енгиб бўлмас куч) тўсқинлик қилган бўлса;

2) Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мажбуриятларни бажаришни кечиктирганлиги (мораторий) туфайли;

3) агар даъвогар ёки жавобгар ҳарбий ҳолатга ўтказилган Қуролли Кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар таркибида бўлса;

4) агар муомалага лаёқатсиз шахснинг қонуний вакиллари бўлмаса;

5) тегишли муносабатни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг амал қилиши тўхтатилган бўлса.

Агар ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар даъво муддатининг охирги олти ойида бу муддат олти ойдан кам бўлса, даъво муддатида вужудга келган ёки давом этиб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Муддатнинг тўхтатиб турилишига асос бўлган ҳолат барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 0060
7621 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Инсоният эзгулик деб аталмиш хилқат теграсида умргузаронлик қилади. Қай бир амали гуноҳ, қайсиси савоб эканлигига гоҳида тушунмайди, баъзан эса англаб етса-да бидъат-хурофотга эргашади. Аслида муқаддас динимизда кўрсатилмаган, ислом уламолари томонидан битилган китобларда айтилмаган бу иллатлар миллат камолотига, динимиз софлигига путур етказмоқда.

Шунингдек, миллий мафкурамизга, маънавиятимизга ёт бўлган баъзи бир хурофий амаллар, қарашлар ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига, уларнинг дунёқарашига салбий таъсирини кўрсатмоқда. Баъзан қадрият — қабоҳатга, савоб — гуноҳга айланиши ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин.

Ўтказилаётган дабдабали тўйлар, марҳумлар хотира маросимларидаги ортиқча амаллар, исрофгарчилик, шариатда кўрсатилмаган маъракаларни қилиш каби ҳодисалар барҳам топмаётган экан, демак биз исломшунос олимлар, диний уламолар бу борада тегишли ташвиқот, тушунтириш ишларини етарли даражада олиб бормаяпмиз, бу эса исломдан хурофотни ажрата олмайдиган баъзи бир кимсаларга қўл келмоқда. Улар на маҳалла, на ёши улуғ кексаларимизнинг панду насиҳатларига амал қилади, ўз билганларича иш тутиб, одамларни чалғитишмоқда.

Аслида ҳақиқат нима? Биз буни ўз имкониятимиз доирасида таҳлил этиб, тўғри амаллар йўлини кўрсатиш мақсадида ушбу битикларни сизнинг эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

БИДЪАТ-ХУРОФОТДАН САҚЛАНАЙЛИК

Маърифат сабоғи

Баъзи бир биродарларимиз ота-боболарини эслаб, уларнинг руҳларини шод қилиш мақсадида турли хайру худойилар қиладилар. Қайси йўл билан бўлса ҳам эҳсон қилсам бўлди, савоби марҳумларга етиб бораверади, деб ўйлайдилар. Аммо бу ишлари шариатга мувофиқми, чиндан ҳам унга савоб бериладими, йўқми, бу ёғи билан ишлари йўқ. Шунинг учун шариатимизга зид бўлган, аммо диндан деб қилинаётган турли бидъату хурофот ҳисобланмиш маросимлар ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Аввало бидъат калимасининг маъносини билиб олсак. Бидъат деб, ислом дини комил бўлиб, барча ҳукмлар Аллоҳ ва унинг расули томонидан баён қилиб бўлингандан кейин динга киритилган янгиликка айтилади.

Шариатда бор-йўқлигини билмасдан, савоб умидида қилаётган амалларимиз сабабли гуноҳкор бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Чунки, биз ўтказаётган турли маъракаю-маросимларнинг шариатимизга мос суннати бор ва динимизга умуман алоқаси йўқ, қилган билан ҳеч қандай савоб берилмайдиган бидъату хурофот бўлганлари бор. Буларнинг қайбири шаръий ва қайбири бидъат эканлигини қаердан биламиз? Аввало қилаётган амалларимизнинг Аллоҳ таоло томонидан қабул қилинишининг иккита шарти бор. Бири, шу амални бажаришга Аллоҳ буюрган бўлиши, иккинчиси пайғамбар қилган ёки қилишга буюрган бўлишларидир. Шундагина бажарган амалларимиз қабул қилинади. Аммо бунинг акси бўлса, Аллоҳ буюрмаган, пайғамбар қилмаган ишларни қилсак, бу ишимиз динга киритилган янгилик бўлиб, бидъат амаллардан ҳисобланади.

Мисол тариқасида марҳумларга атаб ўтказиладиган турли 7,20,40,52, йил оши, пайшанбалик, якшанбалик, қор ёғди, лайлак келди, ўрик гуллади каби маросимларни олиб кўрайлик. Буларнинг бирортаси бизнинг шариатимизда йўқ, умуман исломга зид бўлган амаллардир. Бунинг далили шуки, пайғамбаримиз а.с. бир ҳадисларида шундай марҳамат қиладилар: «Ла аза илла саласа», яъни марҳумларга уч кундан ортиқ аза қилиш йўқ. Демак, бир хонадондан маййит чиқса, ўша уйда уч кунгина аза тутилиши мумкин экан.

Мана шу кунлар ичида марҳумнинг яқинлари унинг хонадонига келиб таъзия билдирадилар. Қуръон тиловат қилиб, марҳум хотирасига бағишлайдилар. Бунга ҳеч қандай эътироз йўқ. Аммо, баъзи жойларда ҳали марҳум дафн қилинмасдан туриб, мол-қўй сўйиб, турли таомлар тайёрлаб, келганларга тарқатадилар, есанглар савоби марҳумга тегади, дейдилар. Аслида, пайғамбаримизнинг кўрсатмаларига биноан, маййит чиққан хонадонда уч кунгача олов ёқиб, овқат қилинмайди. Тўртинчи кунидан бошлаб аза тугаган ҳисобланади, белгилаб қўйилган баъзи хайрли тадбирлар ўтказилаверади.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб биламиз, у ҳам бўлса, мусибат етган хонадондаги барча аёллар устиларига ё кўк ё қора кийим кийиб оладилар. Бу ҳам нотўғри бўлиб, қора кийиш фақат эри вафот этган аёлга хос нарсадир. Чунки, аёл эри ўлгандан бошлаб тўрт ою ўн кун идда сақлаб ўтиради. Бу муддат орасида у бошқа кишига турмушга чиқа олмайди. Сабаби, ўлган эридан қорнида бола қолган-қолмаганлигини ажратиш учундир. Агар бола қолган бўлса, то бола туғилмагунча турмушга чиқмай туради, чунки ҳомиладор аёлга уйланишдан шариатимиз қайтаради. Агар бола йўқ бўлса, унда қора кийимларини ечади. Бу эса иддаси тугаганини билдиради. Ота-онаси, ака-укаси ҳатто фарзанди қазо қилган кишилар ҳам қора кийишлари жоиз эмасдир.

Энди марҳумга бағишлаб ўтказиладиган маросимлар масаласига келсак, шариатимизда уч кундан кейин бирор маросим қилиш тақиқланади.

Йигирма ёки йил оши каби маросимларни олайлик. Унда албатта юзлаб кишиларга ош берилади. Келиб ўтирган киши албатта марҳум руҳига бағишлаб тиловат бошлайди. Ёнидаги столда ўтириб ош еяётганлар тиловат бошлангач, ошини ейишни ҳам, емасликни ҳам билмай қолади. Тиловат тугаб энди ош ейишни бошласа, янги келганлар яна тиловат бошлайди. Овқатланишни давом эттириш, суҳбатлашиш натижасида, Аллоҳ таолонинг «Иза қуриал Қуръану фастамиъу лаҳу ваанситу», яъни «Агар Қуръон ўқилса, унга қулоқ солинглар ва тинч турингланг» деган оятига зид иш қилинади.

Бу ҳам майли, энди масаланинг иккинчи, ниҳоятда муҳим томони бор. У ҳам бўлса, ўша берилаётган ош кимнинг ҳисобидан, марҳум ким ўзи? Ўғилларига жаҳаннам оловини еган бўлурлар ва албатта дўзахга кирурлар». Демак, етимларнинг ҳаққини ейиш ниҳоятда оғир гуноҳ экан.

Баъзан бу каби маросимларни марҳумнинг яқинлари ўз ҳисобларидан қилиб берадилар. Ҳиммат яхши амал. Шу сарфланган маблағ етимларнинг ўзига берилса, нур устига нур бўлар эди.

Юқорида келтирилганлар бидъат бўлса, марҳумларга савоб етказиш учун нималар қилишимиз керак? Бунинг йўллари борми?

Албатта бор. Аввало, ҳар бир инсон тириклик пайтида фақат дунёсини эмас, охиратини ҳам ўйлаши керак, яъни тириклигида вафотидан кейин ҳам унга савоби етиб турадиган амалларни қилиши лозим. Булар қандай амаллар экани ҳақида пайғамбаримиз а.с. шундай марҳамат қиладилар: «Иза матабну адам инқотаъа аъмалуҳу илла ъан салас: садоқатин жария ва илмин юнтафаъу биҳи ва валадин солиҳин ядъу лаҳу».

Яъни, инсон боласи вафот этса, унинг барча амаллари тўхтайди, номаи аъмолига фақат учта нарсадан савоб етиб туради: садақаи жория, инсонларга фойда берадиган илм ва ортда қолган фарзандларнинг ота-онаси ҳаққига дуосидир.

Бунинг шарҳи шундайки, ҳар бир инсон ўзи тириклик пайтида боғча, мактаб, мадраса, масжид каби кўпчилик фойдаланадиган бинолар қурган, кўприк солган, йўл тузган, дарахт экқан, сув йўқ жойга сув чиқарган бўлса, бу иши учун вафотидан сўнг ҳам номаи аъмолига савоб ёзилиб туради. Ёки ўзи ўқиган хоҳ диний, хоҳ дунёвий олим бўлиб, китоб ёзиб, ундан кишилар фойдаланса, бошқаларни ўқитиб шогирд қолдирган бўлса ҳам савоб ёзилиб туради.

Бундан ташқари, ҳар бир қилаётган хайрли амалларимиз, ибодатларимиз, садақаю эҳсонларимиздан ота-оналаримизга солиҳ фарзанд қолдирганлари учун бевосита савоб етиб туради.

Албатта, эҳсон қилишдан ҳеч ким қайтармайди. Инсон хоҳлаган нарсасини эҳсон қилиши мумкин. Аммо, шариатимизга мувофиқ бўлсагина, савоб берилади.

Аллоҳ таоло муборак Рамазон ойида тутаётган рўзаларимизни дарғоҳида қабул қилиб, ажру савобларини комил қилиб берсин. Шариатимизга зид турли бидъату хурофотлар қилишдан сақласин. Юртимизни тинч, осойишта қилиб, хонадонларимизга файзу барака ато этсин.

Шуҳрат ИСМОИЛОВ,
Тошкент Ислом университети ўқитувчиси

«АЛОҚАБАНК»

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

*АТБ «Алоқабанк» Кузатув Кенгаши **2003 йил 15 декабрь соат 15.00 да** Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносининг Мажлислар залида банк акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.*

КУН ТАРТИБИ:

1. АТБ «Алоқабанк»нинг 11 ойлик иш фаолияти якунлари тўғрисида.

2. АТБ «Алоқабанк»нинг 11 ойлик иш фаолияти якунлари бўйича фойдани тақсимлаш тўғрисида.

3. АТБ «Алоқабанк» акциядорларига оралиқ дивидендларини тўлаш тўғрисида.

4. АТБ «Алоқабанк»нинг 2003 йил иш фаолияти якунларини аудит текширувидан ўтказиш учун ташқи аудит компаниясини тасдиқлаш тўғрисида.

5. Бошқа масалалар.

Банк акциядорларини ва мажлис қатнашчиларини рўйхатга олиш 2003 йил 15 декабрь соат 14.00 дан 15.00 гача давом этади.

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
136-10-21, 136-76-86.

АТБ «Алоқабанк» Кузатув Кенгаши

«СОВУТГИЧ» ЁТҲЖ

Барча турдаги автомобиллар ички ёнув двигателларини совутиш учун мўлжалланган юқори сифатли

«АНТИФРИЗ — ГА–39»НИ

чекланмаган миқдорда

СОТАДИ.

Манзил: *Тошкент ш., А.Икромов туман, халқа йўли, саноат зонаси. «Равшан» автокорхонаси ичида жойлашган.* **Тел: 47-53-45; 47-03-06**

Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси жамоаси бюронинг бўлим мудири Бахтиёр Асрорович Содиқовга волидаи муҳтарамаси **Санобар ая ЮСУПОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.